



2019 йил 20 июль

№ 280/5-42

Термиз шаҳри

**Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган ишлар бўйича вилоят ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосарининг ҳисоботи тўғрисида**

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияси шуни қайд этадики, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 30 апрель ва 1 май кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлари ва Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси 17-сонли мажлиси баёнига асосан 2019-2020 йилларда Сурхондарё вилоятини комплекс ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилган.

Жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 103,0 фоизни, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 100,1 фоизни, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 107,0 фоизни, чакана савдо айланмаси 105,8 фоизга ҳамда жами хизмат кўрсатиш ҳажми 110,7 фоизни ташкил этган.

Ўтган 2018 йилга нисбатан 2019 йилда вилоятда ҳудудий экспорт 109,5 баробарга ўсди. Амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бажарилиши 3,0 фоизга таъминланмади.

2019-2020 йилларга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини ижросини таъминлаш талаб этилади.

**Юқоридагиларни инобатга олиб ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгаши қарор қилади:**

1. Вилоят ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи Р.Пардаевнинг вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган ишлар бўйича берган ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят сектор раҳбарлари (Боболов, Қосимов, Сатволдиев, Эшматов)ларга вилоятда уй-жой коммунал ва йўл хўжалиги, энергия, сув ва иссиқлик таъминоти, транспорт қатнови, архитектура, арзон уй-жойлар қуриш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, намунавий маҳалла ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини шакллантириш соҳасидаги муаммоларни аниқлаш ҳамда ҳал этиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган

тадбирларни ўтказиш, ижтимоий муҳофазанинг манзиллилиги, истеъмолад бозорида нархларнинг барқарорлиги, ижтимоий соҳа объектлари, энг аввало, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа муассасаларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни амалга ошириш, ҳудудларни жадал иқтисодий ривожлантириш, шу жумладан, уларнинг табиий, иқтисодий ва инсон салоҳиятидан самарали фойдаланиш, қурилиши тугалланмаган объектлардан, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш ва ер майдонларидан оқилона фойдаланиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми ва ҳудуднинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, жойларда замонавий бозор инфратузилмасини ташкил этиш, хизмат кўрсатиш, туризм соҳаларини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда янги иш ўринларини яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, деҳқон хўжаликлари, томорқа учун ажратилган ерлардан мақсадли фойдаланиш, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаричилик ва бошқа фаолият турларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишда фермер хўжаликларига кўмаклашиш бўйича чоралар кўриш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорликда ҳуқуқбузарликларни, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида профилактика қилиш ҳамда уларни барвақт олдини олиш бўйича таъсирчан ишларни ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

### 3. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари в.б Р.Пардаевга:

- вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Амиров билан биргаликда электр энергияси бўйича 123 млрд. 747 млн. сўм, табиий газ бўйича 90 млрд. сўм ва ичимлик суви истеъмоли бўйича 8,4 млрд. сўм мавжуд дебиторлик қарздорликни кескин камайтириш;

- вилоятда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш бўйича республика бюджети ҳисобидан ажратилган 6 млрд. 715 млн. сўм маблағлар ҳисобидан 5 та объектни 1 августга қадар тўлиқ фойдаланишга топшириш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 ноябрдаги “2017-2021 йилларда паст кучланишли электр тармоқларини янада модернизация қилиш ва янгилаш Дастури тўғрисида”ги ПҚ-2661-сонли қарорига асосан 23 та ТПларни ўрнатиш ишларини 1 сентябрга қадар якунлаш;

- вилоятда ички йўлларни таъмирлаш бўйича 2018 йилда йўл қўйилган камчиликларни такрорламаслик, жорий йилда ички йўллар учун ажратилган 10 млрд. 289 млн. сўм маблағ ҳисобидан 69,9 км йўлларни таъмирлаш ишларини 1 сентябрга қадар якунлаш;

- 2019 йилги Инвестиция дастури асосида 29 та умумтаълим мактаби, 3 та мактабгача таълим муассасаларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларини 1 августга қадар якунлаш;

- намунавий лойиҳалар асосида арзонлаштирилган уй-жойлар қуриш бўйича 90 та хонадон уй-жойларини 1 августга қадар тўлиқ фойдаланишга топшириш, уларни хонадонларга кўчириб ўтказиш ишларини якунлаш.

- 2019 йил “Обод қишлоқ” давлат дастури доирасида танлаб олинган 40 та маҳаллаларда 479,7 км йўл ва 313 км пиёда йўлаклари таъмирлаш, 156,6 км дарахтзорлаштириш, 5491 та кўча чироқлари ўрнатиш, 415,1 км электр тармоғи ва 87 та трансформатор таъмирлаш, 15 км газ тармоғи таъмирлаш ҳамда 1312 та янги маиший газ баллон тарқатиш, 26798 та якка тартибдаги уй-жойлар ва 18 та кўп қаватли ўй-жойларни таъмирлаш, 328 та бозор инфратузилма объектларини қуриш ва таъмирлаш ишларини 3 чорак якунига қадар якунлаб фойдаланишга топшириш;

4. Вилоят ҳокимининг тармоқлар бўйича ўринбосарлари (Р.Пардаев, А.Орипов, Р.Гаппаров ва А.Амиров)ларга:

- 2019 йил учун белгилаб берилган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозларини сўзсиз бажариш;

- энг муҳим масалалардан бири вилоятнинг иқтисодий салоҳиятини белгилаб берадиган экспорт топшириғининг бажарилишини таъминлаш;

- вилоятда импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган маҳаллий хом-ашё негизида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ва турини кўпайтириш;

- вилоят бўйича 2019-2020 йилларда барча Дастурларга киритилган 689 та лойиҳаларни амалга ошириш орқали 24 трлн. 76 млрд. 224 млн. сўмлик инвестицияларни жалб қилиш натижасида 15231 та янги иш ўринларини яратиш вазифаларини сўзсиз бажарилишини таъминлаш;

- тижорат банклари аҳоли билан бевосита мулоқот қилган ҳолда, яъни уйма-уй юриб, “Ҳар-бир оила тадбиркор” дастурига асосан аҳолини энг кам иш ҳақининг 150 баробари миқдоригача гаровсиз ажратилаётган имтиёзли 8 фоизли кредит бериш ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини тарғиб этиш;

- вилоятда бугунги кунда 222 та фаолият юритмаётган корхоналарни тиклаш ёки белгиланган тартибда тугатиш бўйича аниқ таклифларни тадбиркорлик субъектлари ва тижорат банклари билан биргаликда 1 сентябрга қадар ишлаб чиқиш;

- халқ таълими тизимидаги муассасаларга янгиликлар киритиш орқали мавжуд хато-камчиликларни бартараф этиш ва тегишли чора-тадбирлар белгилаш билан бир қаторда доимий назорат қилиш;

- вилоятда ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5242-сонли фармонида асосан кредитлар ажратилишини таъминлаш;

- қишлоқ оилавий поликлиника томонидан аҳолига патронаж хизматлари сифатини ошириш, вилоят тиббиёт бирлашмаси бошлиғи томонидан бевосита аҳоли хонадонларига бориб, уларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини назорат қилиш ҳамда дорихоналарда 167 турдаги дори воситалари ва

22 турдаги тиббий анжомларнинг мавжудлиги ҳамда қатъий белгиланган нархлар асосида сотилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

- аҳоли ўртасида маънавий-маърифий тарғибот ишларини кенг йўлга қўйиш, бунда ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш, ёшларнинг турли диний-экстремистик оқимлар ва террористик ташкилотлар таъсирига тушишни олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

- аёллар ва ёшларга муносиб меҳнат шароити яратиш орқали бандлигини таъминлаш, улар учун доимий иш жойлари яратиш мақсадида оилавий бизнес, касаначилик, ҳунармандчилик, томорқа хўжалигини кенг ривожлантириш бўйича ишларни амалга ошириш вазифалари юклатилсин.

6. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг тегишли доимий комиссиялари зиммаларига юклансин.

7. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Сессия раиси



А.Артиков